Темурийлар сулоласига мансуб хукмдорлар ва шахзодалар ичида илму фан, адабиёт билан машгул бўлганлари анча. Аммо улар орасида Мирзо Улугбек алохида ажралиб туради. Биз бу гал Улугбекнинг фан тараккиётига кўшган хиссаси тўгрисида эмас, инсоний хусусиятлари, ибратли ишлари хакида тўхталишни маъкул топдик.

**Давлатни хам олимона бошкарган**

1394 йилнинг 22 мартида таваллуд топган Мухаммад Тарагай болалигидан бобоси Амир Темур, отаси Шохрух ва устози Козизода Румийдан юксак тарбия олгани боис, ўз даврининг етук фузалоси бўлиб етишганди. Мирзо Улугбек хаёти (1394-1449) давомида асосан, салтанат сиёсати туфайли вактининг кўпини давлат бошкаруви ва урушлар банд килса-да, фан билан шугулланишга имкон топа олди. «Зижи кўрагоний», «Тарихи арбаъ улус» асарларини ёзди. Бухоро, Самарканд ва Гиждувонда учта Мадраса бунёд килдирди. 1424- 1429 йилларда Самаркандда мухташам расадхона барпо эттириб, атрофига Козизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Кушчи, Муиниддин Кошоний сингари кўплаб алломаларни тўплади. Уларга зарур шарт-шароитлар яратиб берди. Шундай катта ишларни килган хукмдор ва алломанинг ўзи хам доимо илмга интилар, тарозининг илм палласи сиёсат палласини босиб кетарди.
Гиёсиддин Жамшид 1417 йили отасига ёзган мактубида бир вокеани келтириб ўтган. Унга кўра, кунлардан бирида Улугбек ва алломалар отда кетаётиб, 818 йил ражаб ойининг ўнинчи ва ўн бешинчи кунлари орасидаги (милодий 1415 йил 15-20 сентябр) душанба куни йил мавсумининг кайси кунига тўгри келишини аникламокчи бўлишади. Улугбек отда борганича хаёлий хисоб билан куёшнинг таквими ўша куни бир даража ва икки дакика эканлигини топади. Кейин эса манзилга келгач, отдан тушиб когозга ёзиб хисоб килишганида, Улугбек Мирзонинг хаёлан килган таквими тўгри эканлиги ойдин бўлади. Бу холат хукмдорнинг кувваи хофизаси ва аклидроки накадар кучли бўлганини кўрсатади. Шу билан бирга у давлатни хам олимона, адолатли равишда бошкарган.

**Хийла ёхуд адолатли жазо**

Зайниддин Восифийнинг «Бадое ул-вакое» асарида шундай бир ибратли вокеа келтирилади:
Бир куни Улугбекнинг хузурига номаълум шахс келиб арз килади:
- Хукмдорим! Бундан олти ой олдин Рум тарафларга сафарга кетишда, беш минг ашрафий акча пулим бор эди. Пулимни шу шахарда бирон кимсага омонат кўйиб кетмокчи бўлдим. Ушбу шахарда козидан бошка диёнатли ва инсофлирок одам бўлмаса

керак, дея ўйладим. Шу боис ўша пулни офтобага солдим ва огзини махкам беркитиб, козига топширдим. Сафардан кайтгач, козиникига бориб омонатимни талаб килсам, у ўзини танимасликка олиб, пўписа килди.
Улугбек бу вокеани эшитиб ўйланиб колди ва деди:
- Эртага козиникига бормокчиман. Сен хам бор ва мени кутиб тур. Козиникидан чикиб отга минаётганда «дод-вой» кўтар ва бўлган вокеани баён кил.
Эртасига Улугбек Мирзо козини чакиртириб:
- Эй, кози! Мен бехисоб накд акча, сандик тўла кимматбахо мато ва кўза-кўза олтину жавохир тўпладим. Казо килсам, фарзандларим огир ахволга тушиб колса, шу бойлик уларнинг ёмон кунига яраб колар, дея ўйлайман. Шахарда бундай хазинани ишониб топширадиган бирон ишончли одамим йўк. Сени диёнатли инсон дейишади, шунинг учун хазинамни сенга омонат топширишга ахд килдим. Буни иккимиз билсак, бас! Зинхор бошка одам эшитмасин!
Кози Улугбекдан бу гапни эшитиб, ич-ичидан суюнди, кувонганидан юраги ёрилишига сал колди.
- Сен уйингга боравер, - деди Улугбек куллук килаётган козига. - Мен изингдан чикиб, хазинани яширадиган жойни ўз кўзим билан кўриб келаман.
Шу тарзда Улугбек козининг уйига борди ва «хазина»ни яширадиган жойни белгилашди. Хукмдор козиникидан чикиб энди отга минаётганида, козига омонат колдирган кечаги одам келиб, «дод-вой» кила бошлади.
- Хукмдорим! - деди у. - Шу козиникида омонат колдиргандим. Лекин хеч кайтариб ололмаяпман.
Буни эшитиб, козини титрок босди, ранг-рўйи ўчди. Ичидан ўзича мулохаза килди: «Борди-ю, унинг даъвосини рад этсам, подшохнинг ишончи йўколади. Окибатда арзимас беш минг ашрафи (ўша давр пул бирлиги - У. Б.) деб улгуржи давлатдан курук коламан. Яхшиси, шу каззобнинг омонатини кайтариб берай».
Шундан сўнг кози ўша одамга ўшкира кетди:
- Эй, баттол! Нега дод соласан? Качон сен омонатингни мендан талаб килдинг-у, мен йўк дедим? Диёнатли бир кози¬га тухмат килгани кандай журъат топдинг?
Шундай килиб кози гуломига: «Омонат фалон жойда, тез бориб бунга олиб чикиб бер!», - деб буюрди.
Ана шу тарика Улугбек хийла ишлатиб, козидан омонатчининг пулини олиб берди. Диёнатсиз козига «хазина»ни топшириш ўрнига, уни жазолади ва ишдан бўшатди. Бу тадбир Мовароуннахр ахлини койил колдирди. Ана шу вокеадан сўнг омма Улугбекнинг адолатпарварлигига каттик ишониб, унга ихлос кўйди...

**Хотираси кучли инсон эди**

У хаётининг 40 йилини Самарканд тахтида ўтириб, Мовароуннахрни бошкариб ўтказди. Киска умри давомида нафакат сиёсий арбоб, балки тарих ва фалакиёт илмларининг зукко билимдони, бир нечта куйлар яратган бастакор хамда созанда сифатида хам тарихда колди...

Бундан ташкари Мирзо Улугбек ўз замондошлари орасида хотирасининг кучлилиги билан хам донг таратган эди. Давлатшох Самаркандийнинг «Тазкират уш-шуаро» номли асарида Улугбекнинг ана шу хислатига оид мисоллар келтирилган. Барча хукмдорлар сингари шикорга хам гоят кизикадиган Мирзо Улугбек ов пайтида бирор жониворга ўк отиб теккизганида, ўша вактни эслаб колар, бу вокеа кайси куни, каерда содир бўлгани, кайси жонивор овланганини дафтарга битиб кўярди. Тасодифан бир куни ўша дафтар гойиб бўлади. Амалдору хизматкорлар канча изласалар хам, дафтар топилмайди. Дафтарни сакловчилар саросимага тушадилар.
Шунда Мирзо Улугбек:
- Ташвиш тортмангиз, мен дафтарга ёзилганларни бошдан оёк билурмен, - дейди ва котибларни чакириб, айтиб туради, улар эса ёзиб олишади.
Хуллас, ов хам кўпайиб, шикорда отилган жониворлар кайд этилавериб, янги дафтар тўлай деган эдики, йўколган эскиси топилиб колди. Шунда котиблар йўколган дафтар ва янгидан Улугбек айтиб туриб ёздирган кайдларни таккослаб кўрдилар. Котибу сарой амалдорлари Мирзо Улугбекнинг фаросати ва хотирасига тасанно айтишди. Чунки кайси худудда, качон, кимлар билан кандай хайвон овланганини хукмдор ёддан аник ва бехато айтиб берган эди.
Бошка бир ибратли вокеани Улугбекнинг замондоши Шайх Озарий (1382-1462) шундай хикоя килади:
«Мен хижрий 800 (милодий1398) йили Корабогда, улуг Амир Темурнинг киссахони тогоим бирлан бирга эрдим. Ўшанда Улугбек Мирзонинг хизматига тайин этилдим. Ўша пайтда хали ёш бола эрдим ва бир неча йил болаликнинг шоду хуррамлигини шахзода бирлан бирга кечирдим. У бирлан бирга ўйнардим, унга наклу ривоятлар айтиб берар эрдим. Шахзода мен ила якин дўст ва ўрток бўлиб колдилар.
Хижрий 852 (милодий 1448) йили мазкур подшох (яъни Мирзо Улугбек) Хуросонни забт этди ва Исфароинга келиб тушди. Ёшлик ўтиб, картайиб колган эрдим. Ўрнимдан туриб подшох нинг хузурига бордим. Мени узокдан факиру такводор либосида кўрди. Салом-аликдан кейин сўрадилар: «Эй, дарвеш, сен эски сухбатдошимизга ўхшайсен, киссахонимизнинг жияни эрмасмусен?» Подшохнинг ўткир зехни, фаросат ва пок идрокидин лол колиб дедим: «Ха, жаноби олийлари, ўша киссахоннинг жияни эрурмен». Улугбек Корабогда айтилган хикоятлар, Гуржистон газовати хамда Озарбайжон ажойиботларини ўртага ташладилар...».
Эллик йилдан кейин хам болалик хотиралари, айтилган хикоятларини айнан хотирада саклаб колишга хамманинг хам акл, хотира куввати етмайди. Мирзо Улугбек эса ўз даврининг жангу жадаллари, сарой ўйинларининг фиску фасодлари, илму нужум, фалакиёт сирлари билан оворалигига карамай, болаликдаги дўстини, шикордаги кайси жониворни качон овлаганини эсида саклаб колиш даражасидаги, хотираси нихоятда кучли инсон эди.

## Дунёга таркалган «Зижи Кўрагоний»

Улугбекнинг энг иктидорли шогирди Али Кушчи 1471 йилда Самаркандни тарк этиб,

Истанбулга кетишга мажбур бўлади. Туркияда «Зижи Кўрагоний» асарини таргиб килади. Нати- жада, бу асар секин-аста Европага таркалади.
Жумладан, Оксфорд университети профессори Жон Гривс (1602-1652) 1648 йилда унга ўзи сўзбоши ёзиб, нашр килдиради.
1665 йили эса яна Оксфорд университети шаркшуноси Томас Хайд (1636-1703) хам мазкур асарни лотин ва форс тилида тўлик чоп эттиради.
Поляк астрономи Ян Гевелий (1611-1687) Улугбекнинг «Зижи Кўрагоний»сини шархлаб берган.
Англиядаги Гринвич расадхонаси астрономи Флемстид (1646-1719) «Зижи Кўрагоний»ни яна бир бор нашр эттириб, европаликларга такдим килади.
1839 йилда эса француз шаркшуноси Л.Седийо Улугбек хаёти ва илмий фаолиятини ўрганиб, «Улугбекнинг астрономик жадваллари» китобини француз тилида нашр эттирганди.
АКШлик Э.Нобл эса 1917 йилда «Зижи Кўрагоний»ни Америкада таргиб килган.
Хуллас, XX асрдан Мирзо Улугбек асари бутун дунёда оммалашиб, фан сохасида, хаётда мухим ўрин тута бошлади.

Умид Бекмухаммад